

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 216 (10.773)

Баҳоси эркин нарҳда

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 ноябрь куни Оксаройда Германия Федератив Республикаси федерал ташқи ишлар вазири Франк-Вальтер Штайнмайерни қабул қилди.

— Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислам Каримов. — Биз Германия билан ривожланиб бораётган ўзаро муносабатларни, жумладан, иқтисодий алоқаларни қадраймиш. Ўзаро савдо ҳажми ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Маълумки, Германия Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича сиёсатининг янги концепцияси ни ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиққан. Бу концепция Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган.

Германия ташқи ишлар вазири Марказий Осиё тинчлиги ва барқарорлигига таҳдидлар мавжудлигини, Афғонистон муаммоси ҳамда Эроннинг ядровий дастури билан боғлиқ масалалар хавфсизлик борасида ЁИнинг умумқилишилган сиёсат юритишини тақозо қилиши-

ни қайд этди.

— Бу умумий мақсад йўлида биз биргаликда саъй-ҳаракат қилмоғимиз лозим, — деди Франк-Вальтер Штайнмайер.

Бундай ҳамкорликни кенгайтиришда Ўзбекистон ва Германия муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 2005 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 326 миллион АҚШ доллари ни таъкид этди. Ўзбекистондаги Жорий йилнинг ўзида Немис иқтисодиёти шарқий кўмитаси раиси Клаус Мангольд раҳбарлигида йирик ишбилармонлар делегацияси бир неча бор мамлакатимизга ташриф буюриб, пойтахтимиз ва вилоятларда бизнес-форумлар, янги сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан

музокаралар ўтказди.

Франк-Вальтер Штайнмайерга ҳам "Fresenius medical care", "Siemens", "MAN Ferrostaal" каби компанияларнинг раҳбарлари ҳамроҳлик қилмоқда. Улар иштирокида Бухорода бизнес-форум ўтказиш режалаштирилган.

Икки давлат ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Мамлакатларимиз нуфусли халқаро ташкилотлар доирасида халқаро муаммолар юзасидан маслаҳатлашувлар олиб бораётир, ташқи сиёсат маҳкамаларининг ўзаро мулоқотлари мунтазамлик касб этган. Жумладан, жорий йил июль ойида ГФР Ташқи ишлар вазири Штайнмайернинг давлат вазири Гернот Эрлер Ўзбекистонда бўлди.

Оксаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кенг қамровли алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

У.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛАМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Япония ҳукумати раҳбарлик қилган кезларимизда кўрсатилган илтифот ва ҳамкорлик учун Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда мамлакатингиз ҳукуматининг барча масъул шахсларига чин қалбдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Жорий йилнинг августида мен, Япония Бош вазири сифатида илк бор Ўзбекистонга расмий ташриф буюрдим ва Сиз, Жаноби Олийлари билан сермазмун суҳбат қуриш бахтига муяссар бўлдим. Ташриф чоғида менга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун Сизга самимий ташаккур билдиришни истар эдим.

Ишончим комилки, ташриф натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланиши учун истиқболда катта имкониятлар яратди. Мен Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ва ҳамкорликни кенгайтириш учун бундан буён ҳам бор куч-ғайратимни аямайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон халқига равақ ва фаровонлик тилашга ижозат этгайсиз.

Эҳтиром билан,
 Жунъичиро КОИДЗУМИ,
 Япониянинг собиқ Бош вазири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ОЛАМНИ МАҲДИЕ АЙЛАГАН ДИЁР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан кўплаб халқаро ташкилотлардан, жаҳоннинг таниқли фан ва маданият арбобларидан табрик мактублари келмоқда

Давлатимиз раҳбарининг "Биз қимиз, қандай улуг аждодларнинг ворисларимиз" деган савол ҳар бир кишини ўйлантирмоғи лозимлиги ҳақидаги даъвати ҳаётда ўзининг амалий тасдиғини топмоқда. Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги кенг миқёсда нишонланиши ва шу муносабат билан юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳам бу фикрнинг ёрқин далили бўла олади.

Бугун юртимизда ва жаҳон миқёсида кенг нишонланаётган Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллик тўйи муносабати билан кўплаб халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий ўқув юртилари раҳбарларидан қизгин ва самимий табриклар келмоқда.

Уларда давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳбарлигида инсоният цивилизациясининг энг қадимги ўчоқларидан бири бўлмиш Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бир неча минг йиллик маданий обидалар, ёдгорликлар, осори атиқаларни қайта тиклаш, уларга иккинчи умр бахш этиш, энг

муҳими, ёш авлодни мана шу буюк меросга садоқатли ворислар этиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган тарихий ишларга юксак баҳо ва самимий эътироф акс этган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига йўллаган табрикда Ислам конференцияси ташкилоти Бош котиби Акмалиддин Ҳасан ўғли қуйидагиларни ёзди:

"Ислам конференцияси ташкилоти ноидир миллий қадриятларини тиклаш, бой илмий-маърифий, маданий ва маънавий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларининг энг юқори баҳолайди.

Дарҳақиқат, қадим Хоразм диёридан етишиб чиққан маърифат юлдузлари — Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, аз-Замхшарий, Нажмиддин Кубро сингари буюк олим ва мутафаккирлар ислом цивилизацияси ривожига ва жаҳон илм-фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганликлари

ни дунё афкор оммаси эътироф этади".

М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори академик В.Садовничийнинг давлатимиз раҳбари номига йўллаган мактубида, жумладан, бундай сатрлар бор:

"Хоразм Маъмур академиясининг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси, бугунги кунда ёш авлодни миллий гуруҳ ва ўз мамлакат тарихига чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш ишидаги аҳамияти беқиёсдир. Мазкур академия минтақада илм-фани ривожлантириш билан бирга давлатларнинг ўзаро маданий алоқаларини, турли динга мансуб халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш борасида тарих саҳифаларида чуқур из қолдириди. Сизнинг ташаббусингиз билан қайта тикланган ушбу илм даргоҳи бугунги кунда бутун дунёда маданият ва тараққиётнинг олий мақсадларини тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил 10 октябрдаги «Қамолот» ЁИХни кўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги Қарори асосида ҳаракатнинг Сурхондарё вилоят Кенгаши томонидан ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кенгаш қошида «Дебат» клубининг ташкил этилиши ана шу ишлар сирасига қиради. Клубнинг илк машғулотига Термиз шаҳар прокуратураси ходимлари иштирок этди.

● БМТ Тараққиёт дастурининг Тошкентдаги ваколатхонасида Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнида ахборот таъминоти самарадорлигини оширишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда республика Ташқи иқтисодий фаолият, инвестициялар ва савдо вазирлиги вакиллари, ахборот-консалтинг компаниялари ва халқаро ташкилотлар мутахассислари иштирок этди.

● Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида бошланган халқаро анжуман ва Осиё-Тинч океани минтақаси геологлар уюшмасининг симпозиумида фойдали қазилма конларини аниқлаш, уларнинг жойлашиш қонуниятларини ўрганиш борасида илм-фан эришаётган ютуқлар, илмий-тадқиқотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш самараси таҳлил этилмоқда.

● Тошкент Давлат аграр университетида Хоразм Маъмур академиясининг жаҳон цивилизацияси ривожига тутган ўрнига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда аграр соҳа ходимлари билан бирга шарқшунос, тарихшунос ва манбаашунос олимлар иштирок этди.

● Тошкент педиатрия-тиббӣ институтида сил касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш ва даволашда жаҳон тиббӣти эришаётган ютуқларга бағишланган семинар бошланди.

● Жомбой ва Булунгур туманлари фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда хусусий тадбиркорлар иштирокида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда вилоят адлия бошқармаси ходимлари фермерлик ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари, уларнинг иқтисодий фаолияти тўғрисида тушунчалар беришди.

● Бухоро Давлат меъморий-бадий музей-қўриқхонаси ҳамда Япониянинг Киото университети ҳузуридаги Жаҳон тилларини ўрганиш халқаро институти ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

ЖАҲОНДА

● Россия Шимолий Кореянинг олти томонлама музокараларни тиклашга рози эканлигини маълумлади.

● Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Фазо секторини яна бомбардимон қилди. Натижанда саккиз киши ҳаётдан кўз юмди, 30 га яқин киши яраланди. Маълумотларга кўра, жабранганлар орасида тинч аҳоли вакиллари ҳам бор. Исроил томонининг таъкидлашича, улар Исроилга ракета зарбаларини йўллаётган жангариларга қарши ҳужум уюштиришган.

● «Хезбаллоҳ» гуруҳи етакчиси Ҳасан Насруллоҳ жорий йилнинг июль ойида гаровга олинган исроиллик аскарни мамлакат қамқончаларида сақланаётган ливанлик маҳбуслар билан алмаштириш юзасидан музокаралар ўтказишга тайёрлигини билдирди. «Хезбаллоҳ» расмий Тель-Авив билан музокараларни БМТ ҳомиёлигида ўтказиш ниятида.

● Кеча Санкт-Петербургда чуқур сув остида ишлашга мослашган «Пантера +» роботининг комплекси синовлари бўлиб ўтди. Жаҳонда ўхшаш йўқ ушбу роботлар билан келаси йилда мамлакат ҳарбий денгиз флотини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

● Грузия маъмурияти Озарбойжон ҳудудида жойлашган грузинларга тааллуқли Давид Гарежи қадимий обидасини Грузия ҳудудининг маълум қисмига алмаштириш таклифи билан чиқмоқда. Айнан шу мақсадда Грузия Ташқи ишлар вазири Гела Безухашвили Озарбойжонга ташриф буюрди.

● Кеча тожик-афғон чегарасида Панж дарёси устида янги кўприкнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу Тожикистон ва Афғонистон чегарасида бунёд этилган учинчи кўприк бўлиб, келгусида ушбу йўналишда яна иккита кўприкнинг қурилиши мўлжалланмоқда.

● Халқаро астрономлар уюшмаси томонидан 2009 йил астрономия йили деб эълон қилинди. Бундан мақсад астрономиянинг инсоният ҳаёти ва маданиятида тутган ўрнини янада оширишдир. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, айнан 2009 йилга келиб астрономияда мисли кўрилмаган янгиликлар рўй бериши кутилмоқда.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 3 ноябрь кун Тошкентда ҳаво ўзгариш тўради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-15, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

Обуна — 2007

ҲАФТАДА БЕШ КҮН — «ОҚШОМ» БИЛАН!



Қадри оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб ўқийдиган «Тошкент оқшом» газетасига 2007 йил учун обуна қизгин давом этмоқда. Буни, албатта тахририятимизда сиз азиз муштарийларимиздан келаётган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, унинг қадрига етган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодиса ва янгиликлардан доимо хабардор бўлишни хоҳлаган инсон учун

обуна масаласида ҳеч қандай баҳона ёки муаммо сабаб бўлолмайди.

40 йилдан ортиқ вақт ичида ўзининг содиқ, ихлосманд ўқувчилари даврасини йўқотмаган «Оқшом» тахририяти ҳам келаси йил учун «теша тегмаган», «таҳи бузилмаган» мақолаларни ўз ичига оладиган янги режаларни белгилаб қўйди. 2007 йилдан бошлаб газетхонни ўзига «тортадиган» янги-янги мавзудаги қизиқарли, ўқимишли мақолалар, ранг-баранг, ёрқин суратлар, билимингизни чархловчи кроссвордлар газета саҳифаларидан ўрин олади.

Шундай экан, азизлар, сизга ҳар доим энг яқин ҳамкор, ҳамфикр ва маслаҳаттўй бўлиб келган сеvimли нашрингизга обуна бўлишга шошилган. Вақт ганимат, Янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом»ни хонадонингизда кутиб олинг.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР

(Давоми.Боши 1-бетда)

Хурматли Ислон Абдуғаниевич, ушбу унутилмас кунда Сизга Ўзбекистон Республикасининг раёни ва халқининг фаровонлиги йўлидаги улкан ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар, Хоразм Маъмур академияси жамоасига эса илм-фан ва таълимни янада ривожлантиришда улкан ютуқлар тилайман.

Мисрдаги "Ал-Азхар" илмий мактаби раҳбари Шайх Муҳаммад Сайид Тантовий ўз табридаги куйидагиларни таъкидлайди:

«Сизнинг ташаббусларингиз ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашингиз натижасида қайта тикланган маъзур тарихий илмий марказ – Хоразм Маъмур академияси бамисоли ўтмиш ва келажакни боғлаб турувчи робитадир. Биз ушбу илм даргоҳи мисолида Ўзбекистонда илм-фан, маданият ва таълим соҳаларига берилаётган улкан эътиборнинг яққол исботини кўраемиз. 1000 йиллик юбилейининг кенг нишонланиши эса унинг дунёда катта аҳамиятга эга эканлигини яна бир далolatлардир».

«Корея – Ўзбекистон жамияти» раиси Ким Ён Сок ўзининг самимий эътиборини куйидаги сўзлар билан ифода этган:

«Иқтисодийнинг юксалишида, айниқса, таълим муҳим ўрин тутди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти жаноб Ислон Каримовга таълим сифатини ошириш масаласига давлат сийосатининг устувор йўналишларидан бири сифатида аҳамият бераётгани учун ўз миннатдорчилигини изҳор этмоқчиман. Менинг ўзбек миллатининг келажак порлоқ эканига ишончим комил. Дунёга Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк аллома ва мутафаккирларни берган бу халқ бугун жаҳоннинг илм-фан бешикларидан бири ҳисобланган Маъмур академияси таъсис этилганининг 1000 йиллигини кенг нишонламоқда. Агар Ибн Сино бўлмаганида гарб

тиббийоти бугунги тараққиётга эриша олмасди. Бундан ташқари, «0» рақамини кашф этган ал-Хоразмий бўлмаганида математика ва физика фанлари бугунги даражага кўтарила олармиди?».

«Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш» Франция ассоциацияси Президенти Люсьен Керен ва Бош котиби Фредерик Брессаннинг Юртбошимизга йўллаган табрик мактубидан куйидагиларни ўқиймиз:

«Биз ассоциациямиз номидан Буюк Ипак йўлида жойлашган Хива шаҳрида ЮНЕСКО шафёлигида ўз юбилейини нишонлаётган, инсон дунёни англаши учун янада кенг йўл очишга хизмат қиладиган гоғларни тарғиб этиб келган Хоразм Маъмур академияси жамоасини чин кўнгилдан табриклаймиз.

Ушбу юбилей бугунги кунда, йигирма биринчи асрда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан «Байтул хикмага - X ва XI асрларда илм-фани ривожлантириш йўлида бекиёс хизмат қилган илм даргоҳига қўрсатилаётган юксак ҳурмат-эътибор намунаси. Бу Магрибу Маширида яшаган халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг асосларидан бири доимо маданият бўлганини яна бир исботлайди».

Хоразм Маъмур академиясининг инсоният илмий-маънавий меросига қўшган буюк ҳиссасини юқори баҳолаган Корея Республикасининг Кёнги университети Президенти Бюнг Мук Ким ўз мактубида бундай ёзади:

«Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, олимларнинг башарият тарихидаги илк ҳамжамияти бўлган Маъмур академияси жаҳон илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган. Шу боис, мухтарам Ислон Абдуғаниевич, Сизнинг Хивада Хоразм Маъмур академиясини тиклаш тўғрисидаги 1997 йилда қабул қилган қарорингиз гоғ муҳим воқеа бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу Ўзбекистоннинг

бой илмий, маънавий ва маданий меросини тиклаш ишга Сизнинг юксак эътиборингиздан яна бир далolatлардир».

Япониянинг Сока университети ректори Масами Вакаэ ҳам Ўзбекистон Президенти инсоният тамаддунининг йирик илмий ўчоқларидан бўлиши Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги билан самимий кутлайди:

«Ушбу академияда камол топган буюк аллома, комусий олим Абу Али ибн Сино илм-фани инсоният йўлини ёритувчи мингларча кўшга менгзаган эди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳам қайтадан дунё юзини кўрган маъзур маърифат маскани кураи заминда яшовчи халқларнинг бир-бирини маънавий бойитиш, адолат, тинчлик-тотувликка интилиш йўлини нурафшон этиб турибди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Сизнинг инсоният олдидagi хизматларингиз бекиёсдир».

Франциянинг Сорбонна университети Президенти Пьер-Ив Энин ўзининг кутлов мактубида бундай деб ёзади:

«Хоразм Маъмур академияси бундан 1000 йил муқаддам илм-фани ривожлантириш учун гоғ мустақкам илмий асосга эга бўлган. Бу илмий ҳамжамият ўшандаёқ бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келаётган илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишларини белгилаб берган эди. Бугун биз ўтмишни англаш учун ўз тарихини ардоқлайдиган, эрамининг икки мингйиллиги туташган даврда яшаган аждодлари муваффақиятларининг хурматини жоғай қўйдиган ўзбек халқини муборақбод этиш имкониятига эгамиз».

Германиянинг Макс Планк номидаги фанлар тарихи институти директори Юрген Ренн Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистоннинг қадимий ва бой маданий-маърифий меросининг тарихий аҳамиятини бундай эътироф этади:

«Хоразм Маъмур академиясининг

қайта тикланиши Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакатда илмий-маданий меросни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга катта эътибор берилаётганидан яна бир далolatлардир. Германиянинг Макс Планк фанлар тарихи институти, Хоразм Маъмур академиясини тиклаш орқали аъналарни мустақкамлаш нафакат буюк ўтмиш, балки келажак учун ҳам катта имкониятлар эшигини очиб берадики, бундан турли фан ва маданиятлар интеграцияси фақат фойда кўради, деб ҳисоблайди. Академиянинг қайтадан дунё юзини кўришида мана шундай истиқбол мавжуддир».

Россия Федерациясининг «Курчатов институти» илмий маркази президенти, академик Е.Велихов табригидан бундай самимий тилаклар ўрин олган:

«Хоразм Маъмур академиясини тиклаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон раҳбариятининг миллий илм-фани ривожлантиришга жиддий ва комплекс ёндашувдан далolatлардир.

Шу муносабат билан Сизга ва Ўзбекистоннинг бунёдкор халқига фаровонлик ва барқарорлик, қудратли ва гуллаб-яшнаётган мамлакат барпо этиш йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз».

Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз раҳбари ва ўзбек халқи номига ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳи, Араб университетлари иттифоқи Бош котиби Солих Хошим, Россия Федерацияси таълим ва фан вазири А.Фурсенко, Фанлар академиясининг вице-президенти А.Некелелов, Қозғистон Республикаси Шарқшунослик институти ректори М.Абусеитова, Корея Республикаси Миллий ассамблеяси депутаты Ким Жин-пё, Шанхай университети вице-президенти Е.Жимин ва бошқа илмий доиралар намоёндаларидан ҳам табрикномалар олинди.

Бундай кутловлар келиши давом этмоқда.

ЎЗА – «Жаҳон»

Иқтисодиёт МИЖОЗЛАР ТАЛАБИГА КЎРА

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА АЗАЛДАН БУНЁДКОР БЎЛГАН ХАЛҚИМИЗНИ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ҚОРХОНЛАР САФИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.

Шундай қорхоналар орасида «STONE» масъулияти чекланган жамияти жамоасининг муносиб ўрни бор. Унинг 50 нафардан ортиқ ўз касбини ёъозловчи ишчи-хизматчилари бюртмачиларни сифатли ва кўркам маҳсулотлари билан мамун этмоқда.

Мазкур жамият цехларида ўрнатилган Италия давлатининг дунёга машҳур фирмасида тайёрланган замонавий, юксак умумий дастгоҳ ва ускуналаридан маҳаллий хом ашё—оқ цемент ҳамда мрамар кукунидан манзарали плиталар ишлаб чиқаришда жамоа аъзоларининг тажриба, касб маҳоратлари кўл келмоқда.

Эътиборли томони, миждозларнинг талаб-истакларидан келиб чиққан ҳолда бюртмачиларнинг аввал лойиҳалари, кичик дизайнчилар томонидан эса ишланган тайёрланади—да, индивидуал хусусиятлар ҳисобга олингани ҳолда жамиятнинг махсус гуруҳи жойларга чиқиб, иш ниҳоясига етказилади. Бу албатта, қорхона тадбиркорларининг бозор иқтисодиёти шaroити талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритишлари, самарали сазъ-ҳаракатларининг махсули ҳисобланади.

Юртимиздаги кўплаб етакчи қурилиш ташкилотлари, кичик қорхоналар ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари қорхонанинг доимий бюртмачиларидир. Жумладан, Қозғистон пойтахти Остона шаҳрида ҳам жамиятга қарали «Савдо уйи» фаолият юртимокда. Кўплаб ҳамкорлик қилиш ниятида бўлган давлатлар вакиллари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузиш лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

БЕЖИРИМ ЁДГОРЛИК БЎЮМЛАРИ

ШАЙХОТХУР ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН УСТА ХУНАРМАНД МИРОЛИМ ФАЙЗЕВ ЁШ БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ, САФДОШЛАРИ ОРАСИДА ДОИМИЙ ИЗЛАНИШИ, ЯНГИЛИККА ИНТИЛИШИ, ТАШАББУСҚОРЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Хозирги кунда хунарманднинг 30 турдан ортиқ бир-бирдан чиройли, бежирим, ранг-баранг шакл ва шамойилдаги ёдгорлик буюмлари — лаганча, ликоб, одамчалар тўрт юлдузли меҳмонхоналар ҳамда «Ўзбекистон хаво йўллари» Миллий авиакомпанияси дўконларида сотилмоқда.

Бир неча қараёнларни ўз ичига олган фаолият хунарманддан жиқат-эътибор, сабр-чидам ҳамда маҳорат талаб қилади. Мироллим Файзев доимий изланишда, шу боис ҳам атиги уч йилдан буён фаолият юритаётган бўлсада, маҳсулотларининг турини кўпайтириш устида тинмай меҳнат қилмоқда. Қадимий сопол буюмларни ҳақидаги тарихий манбалар ҳамда оссори атикаларга қайта-қайта мурожаат қилади.

Эътиборли томони, хунарманд уста қизиқувчан ёшларга ўз хунарининг сир-асрорларини эринмай ўргатиб, муносиб шоғирлар тайёрламоқда.

Муҳаббат ХАҒИБУЛЛАЕВА

Маънавият ЕТАКЧИ ИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛ

«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» ДЕБ НОМЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ЖУРНАЛИ ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МАТЕУОТ НАШРИ СИФАТИДА ЧОП ЭТИЛМОҚДА. УШБУ НУФУЗЛИ ЙИРИК ИҚТИСОДИЙ НАШР НАФАҚАТ БАНК ТИЗИМИДА, БАЛКИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ЎРТАСИДА, ҲАТТОКИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ҲАМ ОММАЛАШМОҚДА.

«Бозор, пул ва кредит» журналининг илк сони боис чиқарилганига ўн йил бўлди. Бу орада унинг мундарижаси кенгайиб, мазмун-моҳияти янада яхшиланди. Обуначилар сони кескин ортди.

Унинг саҳифалари орқали журналхонлар банк, молия ва иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришларга доир кўплаб мақолалар билан танишадилар. Долзарб мавзуларда ёзилган илмий-назарий мақолалар эса банк тизими ҳодимлари амалий кўникмаларини оширишга ёрдам бермоқда.

Бундан кейин ҳам нашр республикамиздаги етакчи иқтисодий журнал сифатида фаолият кўрсатаверади.

ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАЛАР ҲАҚИДА КЎПАНМАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ «ИСТЕЪДОД» ЖАМФАРМАСИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ НУФУЗЛИ ОЛИЙ ҲУҚУ ЮРТЛАРИ ВА ИЛМИЙ МАРКАЗЛАРИ БИЛАН ИЛМ- ФАН, ТАЪЛИМНИНГ ҚАТОР УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА.

Кейинги йилларда жамғарма гранти совриндорлари бўлган 600 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар чет эллардаги илмий марказларда ўз билим ва малакаларини оширдилар.

Ушбу сафар натижалари махсус босмага тайёрланган илмий-услубий тўпламларда ёритаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Бундай янги нашрлардан яна бир нечаси чоп этилди. Хитойга борган гуруҳ аъзоларининг «Хитой олий таълими» деган кўланмаси шулар жумласидандир. Жанубий Кореянинг Чунг Бук миллий университетидан малака оширганлар томонидан «Корея таълим тизими» деб номланган тўплам ҳам нашрдан чиқди.

«Рақурси инноваций» деган кўланма эса Санкт-Петербург политехника университети таассуротлари асосида босма юзини кўрди.

Акбар АЛИЕВ

1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибининг тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Р.Азимов Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

Савол-жавоблардан кейин мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати лойиҳаси батафсил муҳокама қилиниб, унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Мамлакатда тузилмавий ислохотлар кўламини кенгайтириш, иқтисодиётни янада модернизация қилиш ва эркинлаштириш, хусусий секторни мустақкамлаш, мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш келгуси йилда иқтисодий ўсиш борасида юқори суръатларга эришиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омиллари бўлиши таъкидланди. Хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкнини енгилаштириш, аҳолининг иш билан бандлиги кўллари кенгайтириш ҳам назарда тутилмоқда. Мамлакатнинг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳасида назарда тутилган асосий харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги ҳам депутатлар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама чоғида депутатлар баён этган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг

2007 йилги Давлат бюджети лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг аъзоси Ш.Тешаев тақдим этди. Лойиҳанинг модда-модда муҳокамаси чоғида депутатлар билдирган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқук маса-

Мажлисда сўзга чиққан депутатлар мамлакатнинг тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилишни ёқлаб овоз бердилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқук масалалари кўмитасининг аъзоси А.Рахимов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисидаги маъ-

қодаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси раисининг ўринбосари Л.Фулмома «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида депутатлар хужжатнинг асосий қондалари юзасидан ўз фикрларини баён қилдилар. Киритилган тақлифлар ҳисобга олинган ҳолда

«Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомига, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилда Ваколатли конференция томонидан қабул қилинган Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Устави ва Конвенциясига доир Тузатиш хужжатларига қўшилиши ҳақидаги қонун лойиҳалари палата томонидан кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2005 йил 12-13 май кунлари Анджан шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссияси ишининг якунлари тўғрисидаги ҳисобот эшитилди, бу ҳусусда Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Депутатларнинг октябрь ойидаги ишига якун ясар экан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери барча кўмиталар ва сиёсий партиялар фракцияларини парламент фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга чақирди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

лалари кўмитасининг аъзоси М.Махаметова «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Қонун лойиҳаси бўйича депутатлар баён этган фикрлар ҳисобга олинган ҳолда унинг муҳокамасини Қонунчилик палатасининг кейинги мажлисларида давом эттиришга қарор қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқук масалалари кўмитасининг аъзоси Ф.Раҳабов тақдим этди.

руза билан сўзга чиқди. Савол-жавоблар ва хужжатнинг ҳар томонлама муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов ахборот берди. Қонун лойиҳаси юзасидан барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Киритилган тақлифлар муҳокама қилинган ҳолда кейин Қонунчилик палатаси ушбу қонун лойиҳасининг асосий

қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлис ниҳоясида Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халипов палатанинг жорий йил оқиботи ойидаги ишига якун ясади. Умуман олганда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолияти самарали бўлганлиги таъкидланди. Мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга молик кўплаб масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, «Нодавлат но-тижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Хўмийлик фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги,

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН ЮНИСЕФНИНГ (БМТ БОЛАЛАР ЖАМФАРМАСИ) МАРКАЗИЙ ВА ШАРҚИЙ ЕВРОПА ҲАМДА ҲАМДЎСТИК МАМЛАКАТЛАРИ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ДИРЕКТОРИ МАРИЯ КАЛИВИС ХОНИМ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 1 НОЯБРЬ КУНИ ҚАТОР ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРДА БЎЛДИ.

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова билан мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЮНИСЕФ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда оила, она ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини мустақкамлаш Президент Ислон Каримов юритаётган давлат сийосатининг устувор йўналишларидан эканлиги алоҳида таъкидланди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Она ва бола» ҳамда «Соғлом авлод» дастурлари изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

М.Каливис Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни ҳар томонлама етуқ инсонлар этиб тарбиялаш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида улкан ютуқлар кўлга киритилаётганини алоҳида таъкидлади. Дунёнинг кўплаб давлатлари бу борада Ўзбекистондан ибрат олса арзийди, деди ЮНИСЕФ вакиласи.

ЮНИСЕФ делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирилари ва идораларида музокаралар ўтказди. Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазириги Ташқи савдо бюросининг Европа, Яқин Шарқ ва Африка департаменти директори Тошиқадзу Масуяма раҳбарлигидаги делегация пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказда ташкил этилган «Ўзбекистон — Япония: иқтисодий мулоқот ва шериклик истиқболлари» мавзусидаги бизнес-форумда иштирок этди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазириги томонидан Сиёсий тадқиқотлар маркази ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси кўмаги билан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладигани таъкидланди.

Жумладан, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Шу вақтгача юртимизга киритилган Япония сармояси ҳажми салкам икки миллиард АҚШ долларига етгани бунинг далилидир.

Мамлакатимизда япониялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган ўндан зиёд қўшма қорхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO), шунингдек, «Мицуи», «Мицубиси», «Сумимото»,

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкентда Ўзбекистон — Япония бизнес-форуми бўлиб ўтди

«Нише Иваи», «Эн-И-Си», «Тойота», «Марубени» каби жами 21 йирик корпорациянинг ваколатхоналари очилган.

Япония мамлакатимиздаги йирик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Бу лойиҳалар стратегик аҳамиятга эга нефть-газ саноати, транспорт коммуникациялари каби муҳим соҳаларни ривожлантиришга қаратилган. Япония ҳукуматининг «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасида таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳаларида самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Бизнес-форумда таъкидланганидек, ишга солинмаётган имкониятлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Ўзбекистон ва Японияда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва сармоявий алоқалари, юқори технологиялар, энергетика, қончилик, углеводород хомашёсини қайта ишлаш, минтақавий транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, машинасозлик, пахта ва ипақни қайта ишлаш, телекоммуникация, замонавий маиший техника, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятлари мавжуд.

Форумда меҳмонлар мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятлари ва сармоявий салоҳияти билан яқиндан танишдилар. Тадбирда сармоявий ҳамкорлик,

ТОШКЕНТДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛ 10 ОКТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ХАРАКАТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ Тўғрисида» ГИ ҚАРОРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР МУХОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУХБАТИ Бўлиб ўтди.

ЁШЛАР ХАРАКАТИ ҚАНДАЙ БўЛИШИ КЕРАК?

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг таъкидлашича, ёшлар ҳаракати фаоллари, сиёсий партияларнинг ёшлар қаноти, ёш авлод масалалари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ёшларга ҳар томонлама ҳамжўрлик кўрсатиш, уларнинг билим олиши, муносиб касб эгаллаши, ижодий истеъдодини рўйбга чиқариши учун қулай шарт-шароит яратиш бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Юртбошимизнинг ташаббуси билан бу борада қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Ёшларни миллий истиқлол гоёси, умумбашарий ва миллий қадриятлар, ўз халқининг тарихини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, айнан улар келажакда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, республика-мизда ҳаётнинг барча баҳалларида амалга ошириладиган туб ўзгаришлар эстафетасини ўз қўлига олиши даркор. Шу сабабли йигит-қизлар Ватанимизнинг муносиб фуқаролари бўлиши учун «Камолот» ёшлар ҳаракатининг роли, унинг масъулияти оширилмоқда. Учрашувда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшлар қаноти вакили Б.Шукуров, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоли У.Хусанов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ёшлар қаноти вакили М.Хамидов ва бошқалар шу ҳақда гапирдилар.

Тадбирда «Камолот» катта имкониятга эга ташкилот экани таъкидланди. Ёшлар муаммоларининг доимий мониторингини ўтказиш эса бу имкониятни янада кенгайтиришга ёрдам беради. Бу борада олинган маълумотлар минтақани ривожлантириш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёшларни касбга ўқитиш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, дам олишни ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган мақсадли лойиҳаларни ишлаб чиқишда асос бўлади. Учрашувда «Камолот»нинг вазибаларини аниқлаштириш, унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш мақсадида ёшлар ижтимоий ҳаракатининг низом ва дастурига ўзгаришлар ҳамда қўшимчалар киритиш тақдирини таъкид этилди. Бу тақдирлар «Камолот» ҳаракатининг яқинда бўлиб ўтадиган курултойида қўриб чиқилади.

Хамкорлик қирралари

КЕЛГУСИДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ ТЕНГ

МАМЛАКАТИМИЗГА ДЕЯРЛИ ҲАР КУНИ КўПЛАБ ХОРИЖИЙ МЕҲМОНЛАРНИНГ КЕЛИШИ ОДАТИЙ ҲОЛ БўЛИБ БОРМОҚДА. ҚУВОНАРЛИСИ ШУКИ, УЛАРНИНГ ТАШРИФИ ФАҚАТ САЙЁҲЛИК БИЛАН ЧЕГАРАЛАНИБ ҚОЛАЁТГАНИ Йўқ. ЎЗБЕКИСТОНГА ШЕРИКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИШ МАҚСАДИДА КЕЛАЁТГАНЛАР Сони КўПАЙИБ БОРАЁТИР. ШУ БИЛАН БИРГА РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲАМ ТУРЛИ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ УЧУН БУ БОРАДА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ОЧИБ БЕРИЛАЁТГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЎРИНЛИДИР.

Тиш техниклари уюшмаси фаолиятини бошлаганига яқинда икки йил бўлади. Лекин шу қисқа вақт ичида бу ташкилот ўзини фақат соҳа мутахассисларини бирлаштирувчи ва мувофиқлаштириб боровчи жамоат тузилмаси сифатида намоён этибгина қолмай, балки ёшларимизга бўлажак касбларини янги технологиялар асосида мукаммал ўрганишларида ҳам амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Уюшма негизда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича доимий ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, машғулотларга соҳа йўналишидаги ўрта махсус ўқув юртлири битирувчилари ҳамда тиш протезларини ўрнатилган ихтисослаштириш истагида бўлган стоматологлар ҳам қизиқиш билдирмоқда.

Яқиндан танишиш ниятида яна бир немис компанияси — «Шютц Дентал»нинг вакили — ташки алоқалар бўлими эксперти Девид Омо-Аере меҳмон бўлиб турибди. Бу компания тиш техник мутахассислари малакасини оширишга ихтисослашган бўлсада, шунингдек соҳадаги сўнгги ютуқлардан бири — «нуанс» хом ашёси муаллифи ҳам ҳисобланади.

— Мамлакатингизга келганимга атиги икки кун бўлганига қарамадан, шу қисқа фурсат ичида дўстларим билан учрашиб, ўзимга керак бўлган барча нарсани олишга эришдим, дея оламан. — деди биз билан суҳбатда Девид. — Уюшма вакиллари мен учун шунчаки касбдош эмас, айнан дўстдир. Улар мени яқин кадрдон кишисидек қар-

лаиб бораётгани, ушбу йўналишда ўсиб келаётган авлод учун катта имкониятлар очилган деб ҳулоса қилдим. Сизда янги технологиялар жорий этилишида барча шароитлар яратилган, чунки асосий негиз — профессионал кадрлар бор. Шунингдек керакки, уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Ҳар бир мамлакат салоҳияти фақат моддий бойликлар билан ўлчанмайди, балки маънавий қадриятлар, айниқса инсон ресурслари ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистоннинг ҳар томонлама имкониятлари бисёр бўлсада, аммо асосий салоҳияти ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар билан бевосита боғлиқдир. Демокриманки, келажак бобида бизнинг имкониятларимиз тенг. Шундай



Ўқув жараёнида асосан дунё миқёсида танқили бўлган Мақото Ямамото, Энрико Штеггер ва Геральд Урассиларнинг илмий изланишларидан фойдаланилади. Стоматологияда кузатиладиган сўнгги тадқиқотларни намойиш этган ҳолда машғулотлар хорижий ҳамкорлар иштирокида ҳам ўтказилиши анъанага айланиб бораётган.

Тингловчиларга юқори сифатли «инлайн» хом ашёсидан фойдаланиш усуллари таништиришда «Ивоклар Вивадент» компанияси раҳбари Сергей Мишен иштирок этди. Айтиб ўтиш жоизки, мазкур немис компанияси жаҳонда донг таратган. Айниқса унинг металл-керамик равишда тишларни протезлашда фойдаланиладиган янги хом ашёлари Европа давлатларида кенг қўлланилади. Уюшма кўмаги билан «Ивоклар Вивадент» савдо белгиси остидаги махсулотларни биринчи марта шу йилнинг апрель ойида «Ўзэкспомарказ»да ўтказилган Соғлиқни сақлаш халқаро кўргазмасида тақдимот қилиш имконияти ҳам яратилди.

Шу кунларда пойтахтимизда ўзбекистонлик ҳамкасбларининг тажрибаси билан

«Ака» дея муружат қилишлари эса менга айниқса маъқул бўлди. Ўзбекистонга илк бор келишим, лекин ўзига хос меҳмондўстлигининг ҳақида кўп эшитганман. Мана энди ўзим учун ҳақиқий ўзбек меҳмоннавозлиги нималигини ахшиллаб англаб олдим. Мен учун ўзимни миллий ўзбек чопони ва дўпписидида — бундай тилло либосда кўриш ҳам нақадар ёқимли эканлигини таърифлашга тилим ожиз. Ўзбекистон билан илк таассуротларимни айнан шу шохна кийим билан боғлайман. Қолаверса, хуш-таъм, хушбўй ўзбек патир нонининг мазаси ҳам хотирамда узоқ сақланиб қолади... Ўзбекистонда орттирган дўстларим — ўз касбига садоқатли касбдошларим ҳамда янги-янги хом ашёлар таркиби ва имкониятларидан яхши воқиф бўлган ёш мутахассисларга келсак, шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, уларнинг иши мен учун кутилган ҳам зийда бўлди. Бу борада айниқса бўлажак касбига катта қизиқиш билан ёндашаётган ёшларнинг ўрни ўзгачадир. Улар билан ўтказган икки кун давомидаги тренинг машғулотларимиз мамлакатингизда тиббиёт соҳаси жадаллик билан ривож-

лашган бўлишидан умидован қиламан. Девид Омо-Аере шунинг алоҳида таъкидлаб ўтдики, «Шютц Дентал» компанияси яқин кунларда республикада яна бир лойиҳани татбиқ этиш ниятида экан. Гап таркиби жиҳатидан ўта мустаҳкам ҳисобланади, жаҳон стоматологиясида кенг ўрин эгаллаган титандан тайёрланаётган хом ашёни қўллаш бу соҳада катта истиқболлар очади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.
СУРАТДА: пойтахтимизда меҳмон бўлиб турган «Шютц Дентал» компанияси вакили Девид Омо-Аере ўзбекистонлик ёш мутахассислар даврасида.

«КАПИТАЛ-БАНК» ХИЗМАТЛАРИДАН ФойДАЛАНИШ

«КАПИТАЛ-БАНК» ПУЛ ЎТКАЗИШ БўЙИЧА «MIGOM» ХИЗМАТИНИ КўРСАТИШНИ БОШЛАДИ. БУ «КАПИТАЛ-БАНК»НИНГ «WESTERN UNION» ВА «CONTACT» ДАН КЕЙИНГИ УЧИНЧИ ТИЗИМИ БўЛИБ, БАРЧА МИНИ-БАНКЛАРИДА ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА СИФАТЛИ ХИЗМАТ КўРСАТИШИНИ ЯҲОНА СТАНДАРТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Банк матбуот хизматининг маълум қилишича, «Migom» тизими МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларида жисмоний шахслар ўртасида носавдо пул ўтказмаларини амалга ошириш дастуридир.

«Migom» пул ўтказмалари зудлик билан пул ўтказиши ёки олиши лозим бўлганлар — мавсумий ишчилар, талабалар, сайёҳлар, қариндошлари ва яқинларига пул юборадиган одамлар учун жуда қулай.

«Капитал-Банк» аҳолининг молиявий хизматларга талаби ортиб бораётганини ҳисобга олиб, уларга банкнинг кенг тармоғидан фойдаланиш имкониятини тақдим этмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистоннинг аҳоли зич жойлашган туман ва шаҳарларида филиаллар ҳамда мини-банклар ташкил этилмоқда.

ЎЗА

Фестиваллар

ВАКИЛЛАРИМИЗ МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШДИ

ЕКАТЕРИНБУРГ ХАЛҚАРО САВДО МАРКАЗИ ВА ЕВРАФЕСКА МЎЖИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН Яқинда РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЕКАТЕРИНБУРГ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ЕВРО-ОСИЁ ПАЗАНДАЛАРИ ФЕСТИВАЛИДА ЮРТИМИЗ ПАЗАНДАЛАРИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.

Ушбу нуфузли кўрик-танловда ўзбек миллий таомлари ва удумларини тарғиб қилиш, ўзаро таъриба алмашиш ҳамда олинган таърибаларни ўз юртимизда кенг тарқатиш мақсадида Ўзбекистон ошпазлари жамоасини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Пазандалар уюшмаси билан Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш Департаменти зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон ошпазлар жамоаси таркиби Республикада ўтказилган кўрик-танлов ғолибларидан жамланди. Жумладан, юртимиз жамоаси таркибига 2005 йили Тошкентда ўтказилган Республика пазандалар кўрик-танловининг ғолиблари — ўз касбининг усталари бўлган Тошкент шаҳри ошпазлари А.Умаров, А.Сомодов ва Самарқанд шаҳридан уста ошпаз Б.Халиковлар киритилди.

Халқаро савдо маркази ташкилотчилари томонидан юборилган кўрик-танлов шартлари яхшилаб ўрганилиб, жамоани тайёрлаш учун Савдо департаментининг савдо фаолиятини ташкил этиш ва истеъмол бозорини шакллантириш бўлими бош мутахассиси Ф.Топилова бошчилигида тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон пазандалари танлов дастуридан ўрин олган 7 йўналишдан 5 тасида иштирок этиб, Европа мамлакатларининг уста ошпазлари билан беллашишга ҳаракат қилишди.

Беллашув жуда кескин кечди. Зеро, ушбу фестивал-танловда Германия, Англия, Чехия, Болгария, Хиндистон, Туркия, Куба, Маврикия, Россия (Екатеринбург), Озарбойжон каби Европа ва Осиё мамлакатларидан уста ошпазлар иштирок этдилар. Туркиянинг

ўзидан 4 та жамоа қатнашди.

«Мева ва сабзавотлардан композициялар яратиш бадийи кўриги» йўналиши бўйича «COLDEN HILL» ресторанининг бош ошпази, Республика ва шаҳар ошпазлар, қандолатчилар ва официантлар кўрик-танловининг ғолиби, Дўстлик жамияти томонидан ўтказилган «Тасанно-2002» пазандалар кўрик-танловининг гран при соғирдорни, «COLDEN HILL» товуғи, «COLDEN HILL» кабоби ва «COLDEN HILL» балиғи каби таомларнинг муаллифи, ҳамшаҳримиз Абдусаттор Сомодов учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали, Карвинг Академияси медали ҳамда кубоги билан тақдирланди.

Танлов шартларига кўра «Миллий тушлик таомлари» йўналиши бўйича берилган 3 соат вақт ичида 4 хил таом тайёрлаб — тўртинчи ўринни ҳамда «Якка тартибдаги танлов» йўналиши бўйича берилган 3 соат вақт ичида 3 хил таом тайёрлаб А. Сомодов тўртинчи ўринни эгаллаб, жамоа иштирокчилари сертификат ва эсдалик совғаси билан тақдирландилар.

Танловнинг якуновчи куни «Кечки оқшом»га тақдир қилинган 500 та меҳмонлар учун Самарқанд шаҳрининг уста ошпази Б.Халиков бир қозонда ош билан бирга тайёр бўлган сабзавот, гўшт махсулотларидан тайёрланган ўзбек таомларини намойиш қилди. Дастурхонимиз миллий тарзда барча Ўзбекистон нознеъматлари билан безатилди. Юртимиз жамоасининг сазой-ҳаракатлари зоо кетмади — таомларимиз ташриф буюрган меҳмонларга жуда маъқул бўлди. Ҳакамлар ҳайъатининг раҳбари Ханс-Дир Хальпфель (Германия) Ўзбекистон жамоасига миннатдорчилик билдирди.

Ўзбекистон жамоасининг халқаро фестивалларда иштирок этиши халқимизнинг энг яхши миллий қадриятлари ва миллий анъаналари билан хорижиликларни яқиндан таништириш ҳамда ўзбек миллий таомлари ва удумларини хорижий мамлакатларга тарғиб қилиш, таъриба алмашиш учун муҳим замин яратди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: пазандалар фестивалидан лавҳалар



ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

ТУГЛУҚ ТЕМУРХОН БИЛАН УЧРАШганимдан СўНГ КўНГИЛМГА КЕЛГАН БИРИНЧИ КЕНГАШИМ



(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Туглуқ Темурхон, (саркардалари) Биқижақ, Ҳожибек эркинит¹⁶ Улуғ Тўқтемура керайт¹⁷ ва Жетанин бошқа амирларидан уч фавж¹⁸ тузиб, уларни Мовароуннахр мамлакатини талон-тарож қилиш учун юборганлиги, ўша уч фавж кўшин Ҳузур¹⁹ деган жойга келиб тушганлиги хабари менинг қулоғимга етди. Шунда Туглуқ-Темурхонни бориб кўришдан илгари бу очкўз амирларни мол-дунё билан маҳлиё қилиб, Мовароуннахр вилоятини қатлу қоратдан қутқариб қолишга қарор қилдим.

Тилга олинган амирларни кўрганимда уларни ҳайбатим босди шекилли, кўп ҳурмат кўрсатиб, мени ортиқча сийладилар. Уларнинг кўзларига ўхшаш кўнгиллари ҳам тор бўлганлигидан, совға-совурун²⁰ йўсинида уларга берилган ҳар турлик тансиқ моллар кўзларига кўп кўринди ва Мовароуннахрни босиб олиш ва талон-тарож қилиш ниятидан қайтдилар.

(Шундан сўн) тўғри бориб Туглуқ Темурхон билан кўришдим²¹. Хон келишимни яхшиликка йўйиб, (салтанат ишларида) мендан кенгаш сўради. Кўрсатган кенгашларимни тўғри деб топиб, ҳаммасини қабул қилди.

Шу аснода Туглуқ Темурхонга хабар келтирдиларки, (юқорида айтилган) уч фавж амирлари, ерлик халқдан нақд пул ва совурунлар олиб, улар билан келишимшлар. Хон шу ондаёқ мол-мулк ва нақд пуллари қайтариб олиш учун одам тайин қилди ва амирларни бундан буён Мовароуннахрга боришларини манъ этди. Мансабларидан бўшатди. Уриларига Ҳожи Маҳмудшо Ясовурийни тайин қилди.

Бу ҳақда амирлар хабар топгач, душманлик байроғини кўтариб юртларига қайтиб кетдилар. Йўлда хоннинг девонбеги ва бош маслаҳатчиси бўлмиш Уғлонхўжани учратдилар. Уни ҳам ўзларига оғдириб олиб, Жета томон юздандилар.

Айнан шу вақтда Туглуқ Темурхоннинг Дашти қипчоқ²² даги амирлари ҳам исён туғини кўтаргани ҳақида хабар олинди. Бундан хон ташвишга тушди. У мен берган маслаҳатга кўра Жета тарафга йўл олди. Мовароуннахрни эса менга қолдирди ва бу хусусда ёрлиғу аҳднома ёзиб берди. Амир Қарочор нўён²³нинг Мовароуннахрдаги туманини ҳам менга топширди. Мен бутун Мовароуннахр вилоятига, то Жайхун дарёсининг соҳилларига-ча чўзилган ерларга ҳукмрон бўлдим.

Давлат ва салтанатимнинг бошланишида энг аввал қилган кенгашим шул эди.

Мен тажрибамдан шунин билдимки, юз минг отлик аскар қилолмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан.

(Давоми бор).

16 Эркинит — Чигатой улусининг шарқий қисми (Мўғулистон)да кўчиб юрган турк қабилаларидан бирининг номи.

17 Керайит — нуфузли турк қавмларидан бирининг номи. Унинг бошлиқлари ўз вақтида Чингизхонни қўллаб-қувватлаган.

18 Фавж — ҳарбий бўлими.

19 Ҳузур — Насаф (Қарши) билан Кеш оралиғида, қарвон йўли устида жойлашган ўрта аср шаҳарчаси. Қашқадарё вилоятига қарашли ҳозирги Ҳузур тумани маркази.

20 Совурун — ўрта асрларда подшоҳ ва хонлар, умуман олий мартабали кишилар билан учрашганда уларга қилинадиган тансиқ моллардан иборат қимматбаҳо тортиқ.

21 Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарида ёзишча, бу учрашув 761/1360 йилда юз берган.

22 Дашти қипчоқ — араб ва форс адабиётида хали ХI аср бошлариданоқ қўлланилган бу атама Балхаш кўлидан тортиб Фарғана, Днепр дарёсининг қуйи оқимигача бўлган (ҳозирги Қозоғистон, қуйи Волга бўйидаги) ерларни ўз ичига олган. Қипчоқ сўзи қадим солномаларда «половец» дейилган, Византия солномаларида эса «куман» атамаси қўлланилган.

23 Қарочор нўён — Чингизхоннинг нуфузли амирларидан бири, Чигатойхоннинг маслаҳатчиси ва лашкарбоши. Амир Темурнинг аждодларидан бешинчиси (Тарағай-Бурқул-Илангир-Ижил-Қарочор).

ОЗ-ОЗ УЎТГАНИҚ ДОМО БУЛАР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

ОДОБЛИ БОЛА

Ҳикоят. Хушёрликнинг кимё табиатли саррофлари бу ҳикоятнинг бебаҳо олтинини шундай пул қилиб қақадиларки, бир куни Бағдод виллоятда бир неча бола бир кўчада ўйин билан машғул эдилар.

Ҳар ким одоб сурмасидан тортса ҳаё кўзига, Мақсад келинин кўрар қаршида беҳижоб. Подшоҳ кўз қири билан унинг ҳолатини кузатиб турар эди. Бу сафар узукни унинг олдида ташлади.

Одоб ўз эгасин бир кун етказар, Иззату обрўга ва саодатга. Одобнинг боғидан терса ҳар ким гул, Ҳаёти тўлади хуш тароватга.

Одобли кишилар топар яхшилик, Беодоб нишондир, бил, маломатга! Гапнинг қисқаси шуки, подшоҳ болаларнинг ҳар бирига инъом ҳада қилди.

ҲИҚМАТ

Айтидилар: — Кимки ёшлигида илм ўрганмаса қариганда хурмат тополмайди.

МУҲАММАД ЗЕҲНИЙ

Ҳикоят. Келтиришларича, бир ҳақим ўз ўғлига насихат қилиб шундай дер экан:

Олтининг ҳарж билан охир бўлар кам, Ҳунар шундай ганчки қамаймас ҳар дам! Уларнинг фарқини айтсам агарда, Ҳунар чашма эрур, олтинчи, шабнам!

ИСРОФЧИ ҲИҚМАТ

Ҳикоят. Айтишларича, бир бадавлат кишининг яккаю ягона ўғли бўлиб, у ниҳоятда исрофчи ва беҳуда сарфловчи эди.

Давлат ўйин учун эмас жаҳонда, Ҳунар сақлаш учун доим омонда! Ота ўз ўғлини ноқобил эканини билгани учун олдиндан чора қўриб, ўлар пайтида унга насихат қилиб деди:

— Эй ўғлим, мен ўлганимдан кейин бойликларимнинг бари сенга қолади. Ишончим қомилки, сен уларнинг барини беҳуда сарфлаб битирарсан. Қўлингга ҳеч нарса қолмай, очлик ва норчилик билан охири ўлимнингга рози бўласан.

Ота шу гапларни айтиб жон берди. Ноқобил ўғил кўп ўтмай, барча пулларни сарфлаб тамомлади. Охири гадоийлик қилишдан ор қилиб, ўзини осиб ўлдиришга қарор қилди. Отаси тайинлаб кетган уйга қайриб, арқоннинг учини бўйинга солиб, ўзини осди.

Давлати кишида жаҳонда не бок! Давлати гоҳи келиб гоҳида кетар, Бефаҳм кишилар ўзни йўқотар.

ХУНАР — ХУНАРДАН УНАР

Ҳикоят. Ҳар кимнинг зари бўлмасада, аммо хунари бўлса дунёда ҳеч бир хавф-хатари бўлмайди. Шунинг учун киши хунари зийнати билан беэмомоги керак.

Бехунар одам эмас, молу зари бўлганда ҳам, Бўлмаган эшак одам анга либос ёпганда ҳам. Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган

Анжуманлар

ЕТАКЧИЛИК ҚОБИЛИЯТИ ОШИРИЛДИ

ҲАР ЙИЛИ АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА «КАМОЛОТ» ЁИҲ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТАШАБУСИ БИЛАН АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ ТУМАН КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ УЧУН САЙЁР ЎҚУВ СЕМИНАРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

Яқинда Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида жойлашган «Семург» болалар соғломлаштириш оромгоҳида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг туман Кенгаши аъзолари учун III анъанавий сайёр ўқув семинари ташкил этилди.

Анжуманга туман етакчилар кенгаши аъзолари (ҳар бир тумандан 9 нафар) мураббийлар, Тошкент шаҳар Урта-маҳсув, касб-хунар таълими бошқармаси, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари, жами 135 нафар иштирокчи жалб этилди.

Сайёр ўқув семинарининг асосий мақсади Тошкент шаҳридаги академик лицей ва касб-хунар коллежларининг «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни 2006-2007 ўқув йилига тайёрлаш, туман етакчилар кенгаши аъзоларида етакчилик қобилиятини ривожлантириш, уларни ташкилот аъзолари билан ишлашга, таълим муассасасидаги ишни ташкиллаштиришга, ҳужжатлар билан ишлашга ўргатиш ҳамда 2006-2007 ўқув йилининг шаҳар етакчилар кенгашини тузишдан иборатдир.

Анжуманда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг туман Кенгаши аъзолари учун турли мавзуларда ўқув семинарлар, спорт мусобақалари, ижодий танловлар, маданий дастурлар ташкил этилди. Кенгаш аъзолари «Камолот» ЁИҲ ва «Камалак» болалар ташкилоти соҳалари бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда мураббийлар ёрдамида мавзулар юзасидан билим олдилар.

«Ташкилотимизни ўрганишимиз» номли йўналиш орқали ташкилот, унинг Дастур ва Низомини, юқори ва қуйи органлари, ташкилот тарихий саналари каби маълумотларга эга бўлдилар.

Куннинг асосий қисми турли мавзуларда ўтказилган ўқув семинарларига ажратилиб, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг туман Кенгаши аъзолари жамоа бўлиб ишлаш, етакчилик психологияси, Миллий истиқлол ғояси ва етакчилик фаолиятида унга таяниш, мустақил сўзлаш маҳорати, нотиклик санъати каби мавзуларда фикрлашди.

Шунингдек ўқув-семинарнинг сўнггида иштирокчилар ўртасида футбол ва «Кувнок эстафета» бўйича спорт мусобақалари ташкил этилди. Кечки тадбирларда туманлар ўртасида «Энг яхши деворий газета», «Етакчилар кенгаши аъзолари томонидан тайёрланган «Мен ҳақимда китобча» ва туманларнинг «Камолот» мен + сен + биз! Кел, бир-лашамиз!» шiori остида ижодий саҳна кўринишлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Кўпинча (ҲАТТО КУН ДАВОМИДА БИР НЕЧА БОР ҲАМ) БОШИНГИЗ ОҒРИГАНИНИ ҲИС ЭТАСИС. БАЪЗАН ЭСА, БОШИНГИЗ «ТАРС ЁРИЛИШ КЕТАЙ» ДЕК ОҒРИЙДИ, ЎЗИНГИЗНИ КЎЙИШГА ЖОЙ ТОПОЛМАЙ ҚОЛАСИЗ. ШУНДА ДАРВОЗ «ЦИТРАМОН»МИ, «АСПИРИН»МИ, ЯНА АЛЛАҚАНДАЙ ДОРИЛАРНИ ИЧИБ, ЎЗИНГИЗГА КЕЛГАНДАЙ БЎЛСАИЗ.

АЛБАТТА, ҚОН БОСИМИНИНГ ОШИШИ, БОШҚА ТУРЛИ ХИЛ САБАБЛАР БИЛАН БОШИНГИЗ ОҒРИШИ ШИФОКОР ТАВСИАЛАРИ АСОСИДА ЖИДДИЙ ДАВОЛАНИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ. ЛЕКИН БОШ ОҒРИГИГА САБАБ БЎЛАДИГАН БОШҚА АНЧАГИНА САБАБЛАР ҲАМ БЎЛМАЙДИ.

«Тошкент оқшомини» саломатлик хизмати БОШИМ ОҒРИМАСИН, ДЕСАНГИЗ...

«Тошкент оқшомини» саломатлик хизмати БОШИМ ОҒРИМАСИН, ДЕСАНГИЗ... (Text continues with medical advice)

«Тошкент оқшомини» саломатлик хизмати БОШИМ ОҒРИМАСИН, ДЕСАНГИЗ... (Text continues with medical advice)

«Тошкент оқшомини» саломатлик хизмати БОШИМ ОҒРИМАСИН, ДЕСАНГИЗ... (Text continues with medical advice)

«Тошкент оқшомини» саломатлик хизмати БОШИМ ОҒРИМАСИН, ДЕСАНГИЗ... (Text continues with medical advice)

«Тошкент оқшомини» саломатлик хизмати БОШИМ ОҒРИМАСИН, ДЕСАНГИЗ... (Text continues with medical advice)

«Тошкент оқшомини» саломатлик хизмати БОШИМ ОҒРИМАСИН, ДЕСАНГИЗ... (Text continues with medical advice)

«Тошкент оқшомини» саломатлик хизмати БОШИМ ОҒРИМАСИН, ДЕСАНГИЗ... (Text continues with medical advice)

«Тошкент оқшомини» саломатлик хизмати БОШИМ ОҒРИМАСИН, ДЕСАНГИЗ... (Text continues with medical advice)

«Тошкент оқшомини» саломатлик хизмати БОШИМ ОҒРИМАСИН, ДЕСАНГИЗ... (Text continues with medical advice)

«Тошкент оқшомини» саломатлик хизмати БОШИМ ОҒРИМАСИН, ДЕСАНГИЗ... (Text continues with medical advice)

нинг асосий хулосаси бўйича ташкил этилган туманларнинг кечки йиғилишларида ўтган куннинг сарҳисоби, йўналишлар натижалари бўйича фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Шунингдек, анжуманда сайловлар кунини ҳам бўлиб ўтди. Сайловлар уч босқичда ташкил этилди. 1-босқич сайловларида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг туман Кенгаши аъзолари ижодий имтиҳон топширдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Семург» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб ўтган анжумандан лавҳалар

«01»

УТ БАЛОСИДАН САҚЛАННИНГ

МАНА КУЗ ФАСЛИНИНГ ИККИНЧИ ОЙИ ҲАМ ЯКУНИГА ЕТДИ. ҚИШ ФАСЛИНИНГ ЯҚИНЛАШИШ КЕЛИШИ БИЛАН КУНЛАР СОВИБ ЁНГИНЛАРНИНГ КЎПАЙШИ ҲОЛАТЛАРИ КУЗАТИЛАДИ. УШУ ДАВРДА ЁНГИНЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИ ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ИСИТИШ АСОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЁНГИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛМАСЛИК ОҚИБАТИДА СОДИР БЎЛАДИ.

Ҳар йили кузги-қишқи мавсум бошланиши билан республикамиз ҳудудида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосланиб «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилди. Ушбу ойлиқни ўтказишдан асосий мақсад ёнгинларнинг олдини олиш борасида профилактика ишларини ҳамда дийорамизда яшовчи фуқароларимиз билан тарғибот ишларини кучайтиришдан иборатдир.

Бу даврда ҳар бир маҳаллий ёнгин назорати органлари томонидан уларга бириктирилган ҳудуддаги барча фуқаролар яшаш уйлари, мулкчиликда қатъи назар фаолият кўрсатаётган масканларнинг ёнгинга қарши ҳолатлари ўрганиб чиқилади ва фуқаролар ҳамда ишчи-ҳодимлар билан ёнгин хавфсизлиги қоидалари

тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилади. Тошкент шаҳри бўйича ўтган давр ичида 1238 та ёнгин содир бўлган. Улардан еттан моддий зарар 11 миллион 593 миң 79 сўмини ташкил қилди. Ёнгинларда 34 нафар фуқаро ҳалок бўлган ва 35 та фуқаро тан жароҳати олган.

Миробод тумани бўйича 2006 йилнинг 9 ойи давомида 67 та ёнгин содир бўлган. Ёнгинлардан еттан моддий зарар 602000 сўмини ташкил қилган, ушбу ёнгинларда 3 нафар фуқаро тан жароҳати олган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган рақамлар остида қандай чукчур маъно борлигини ҳар ким ҳам тушуниб етса, ёнгинлардан етган миқдорда моддий зарарга эмас, балки улар оқибатида юзлаб ҳалок бўлганлар орасида биз билан ҳамнафас яшаган инсонлар, ёру биродарларимиз борлигига ачинаши кераклигини англайди.

Ҳар бир ёнгин бу йўқотиш демакдир. Инсон бир умр тинмай меҳнат қилиб ортирган мол-мулкдан, бисотиингдан етган моддий зарар 602000 сўмини ташкил қилган, ушбу ёнгинларда 3 нафар фуқаро тан жароҳати олган.

Утказилган таҳлилларга қараганда содир бўлган ёнгинларнинг асосий қисми ёнгин хавфсизлиги қоидаларига рия қилинмаслиги туфайли фуқароларнинг яшаш уйларида ҳамда ёш болаларни уйда эътиборсиз қолдириб қетиш, болаларнинг гурут ёки олов билан ўйнашлари оқибатида юзага келган

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 29-тур баҳслари шахримизнинг етакчи жамоаси «ПАХТАКОР»ГА ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБАНИ ТУҒФА ЭТДИ.

Футбол ЧЕМПИОННИНГ ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБАСИ

Авалло шунинг таъкидлаш жоизки, чемпионат якунлашишига тўртта тур қолганида чемпионликни қўлга киритиб еттинчи марта шохсуна тўртинчи эгаллаган пахтакорлар қолган ўршулувларни ҳам кўтаринки рунда ўтказишмоқда.

29-турда «Пахтакор» марказий стадионда Бекободнинг «Металлург» жамоаси билан кучи синаянган тошкентлик футболчиларга меҳмонларни энгичи қийин кечмади. Аксинча, майдонда тўп билан эркин ҳаракат қилиш, майдон марказини эгаллаб, тўпни жамоадошига аниқ узатиш, рақиб дарвозасига тезкор ҳужум уюштириш бобида яққол устунлик қилган Равайн Ҳайдаров шогирдлари 90 дақиқа мобайнида бекободликлар дарвозасини олти марта аниқ нишонга олишида ва ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолди.

Тўпларни дарвозага Қирьян, Солиев, Коппазе (2 та), Жепаров, Байрамовлар йўллади.

Қолган ўршулувлар қуйидагига якунланди: «Бухоро» — «Шўртан» — 1:2, «Сўғдиёна» — «Трактор» — 4:3, «Андижон» — «Нефчи» — 0:1, «Насаф» — «Самарқанд-Динамо» — 1:0, «Кизилкум» — «Навбахор» — 3:0, «Хоразм» — «Машъал» — 2:4, «Локомотив» — «Тупаланг» — 2:2.

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 30-тур беллашувлари 11 ноябрда бўлиб ўтади. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ МУРУВВАТЛИ, САҲИЙ БЎЛИНГ

3 НОЯБРЬ, ЖУМА БИР ЭМАС, БИР НЕЧА МУНАЖЖИМЛАРИМИЗ БИРДЕК БУГУНГИ КУНИНГ ҲАЙРУ САХОВАТ ВА МУРУВВАТ КУНИ ДЕБ АТАШГАН. БУГУН ҲАЙР ҚИЛИШ, МУҲТОЖЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ КЕЛГУСИ ИШЛАРИНГИЗ ЙЎРИШИШГА ҲИЗМАТ ҚИЛАДИ. СОВҒА-САЛОМЛАР ҚИЛИШ, ПАРРАНДА ВА ҲАЙВОНЛАРНИ ТЎЙДИРИШ ҲАМ ОМАДИНГИЗ КЕЛИШИГА САБАБ БЎЛАДИ.

Бугун аёллар, расомлар билан танишиш, узок давом этадиган ишларни бошлаш хайрли бўлиши қўлайди. Қийин-кечаклар, санъат асарларини харид қилиш, соч олдириш, гузаллик салонига ташриф буюриш, шунингдек, сафарларга йўл олиш, ўсимликлар билан ишлаш ҳам яхшиликка бўлади.

Турли аломатларга бугун кўп ҳам эътибор бераверманг.

Бу кеча кўрган тушларингиз аҳамиятга молик бўлсада, сизнинг ўзингиздан кўра, кўпроқ атрофингиздагилар ҳаётига алоқадор бўлади.

Бугун айнақса томоқ, нафас йўллари ва юрак-қон томир тизими заифлашган ҳолатда бўлади. Томоқ, лак-лук, қўлок ости безлари, юракда жарроҳлик операцияларини бугун қилдириш тавсия этилмайди.

Сарик, қизил ва зарғалдоқранг қийимлар бугунги кунингиз омади бўлишига ёрдам беради. Қўқ ва гунафшаранг либосларингизни бошқа қуларга асраб қўйинг.

«Шарк» нарийёт-мағбаа акциядорлик компанияси БОСМАХОНСИ. Қорхона мезнаили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

«Шарк» нарийёт-мағбаа акциядорлик компанияси БОСМАХОНСИ. Қорхона мезнаили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

«Шарк» нарийёт-мағбаа акциядорлик компанияси БОСМАХОНСИ. Қорхона мезнаили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

«Шарк» нарийёт-мағбаа акциядорлик компанияси БОСМАХОНСИ. Қорхона мезнаили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

«Шарк» нарийёт-мағбаа акциядорлик компанияси БОСМАХОНСИ. Қорхона мезнаили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

«Шарк» нарийёт-мағбаа акциядорлик компанияси БОСМАХОНСИ. Қорхона мезнаили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

«Шарк» нарийёт-мағбаа акциядорлик компанияси БОСМАХОНСИ. Қорхона мезнаили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

«Шарк» нарийёт-мағбаа акциядорлик компанияси БОСМАХОНСИ. Қорхона мезнаили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

«Шарк» нарийёт-мағбаа акциядорлик компанияси БОСМАХОНСИ. Қорхона мезнаили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

«Шарк» нарийёт-мағбаа акциядорлик компанияси БОСМАХОНСИ. Қорхона мезнаили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

«Шарк» нарийёт-мағбаа акциядорлик компанияси БОСМАХОНСИ. Қорхона мезнаили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

«Шарк» нарийёт-мағбаа акциядорлик компанияси БОСМАХОНСИ. Қорхона мезнаили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

«Шарк» нарийёт-мағбаа акциядорлик компанияси БОСМАХОНСИ. Қорхона мезнаили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

ШУ ЙИЛНИНГ ОКТЯБРЬ ОЙИДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ СЕУЛ ШАРИДА ҲТГАН САНЪАТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ОЛИЙ ҲҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ҲАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИДА ҲАМЮРТМИМЗ ЭЛНУРА АБДУЛЛАЕВА МАХСУС СОВРИНГА ЛОЙИ: ТОПИЛДИ.

ЭЛНУРАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук шахслар этиб тарбиялаш, мукамал таълим бериш баробарида, ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимизнинг доимий эътиборида.

Бундай ғамхўрлик натижасида кўплаб иқтидорли ва умидли ёшлар кашф этилаётди. Айна пайтда улар нафақат республика, балки халқаро кўрик-танлов ва фестивалларда ҳам ўз истеъдодларини намоён этмоқдалар.

Сеулда ўтган халқаро фестивалда Элнур миллий мусикамиз намуналарини фортепьянода маҳорат билан ижро этди. Ҳозир Сеул консерваториясида таълим олаётган Элнур «Санъат гўнчалари», шунингдек, Республика ёш ижрочилар кўрик-танловига голиб бўлиш билан биргаликда, МДҲ мамлакатларида ўтган халқаро танлов ва фестивалларнинг совриндори ҳамдир.

Н.УСМОНОВА, Ҳ.А. МУҲИМОНОВА

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилми: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сеианба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилди. 3962 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. «Шарк» нарийёт-мағбаа акциядорлик компанияси БОСМАХОНСИ. Қорхона мезнаили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6